

Жиззах шаҳри

**Молиявий ҳисоботдан
фойдаланувчиларга**

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Фикр

МCHJ shakidagi «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилотининг аудитори М.Шарипов (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №05302-ракамли аудиторлик малака сертификати 02.05.2015 йилда берилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект «JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.


Бизнинг фикримизча ташкилотнинг тақдим этилган молиявий ҳисоботлари «JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамиятининг 2024 йил 31 декабр ҳолати учун тузилган, 1-шакл “Бухгалтерия баланс”, 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” “Хусусий капидали тўғрисидаги ҳисобот” ва “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот”ларидан иборот бўлган 2024 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради.

Фикр билдириш учун асослар

Биз аудитнинг ҳалқаро стандартларига (АХС) га мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз жамиятдан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли стандартга мувофиқ бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Муҳимлилик

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади. Муҳимлик даражасини ялпи тушимнинг 2%, капитал ва резервларнинг 5%, активлар суммасининг 2% микдорида режалаштирилди.



Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, амалдаги қонунга мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлиги баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар ҳисобланади. Бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган корхонанинг молиявий ҳисоботи ноҳўя ҳаракатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишдан холи эканлигига оқилона ишонч ҳосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хулосасини тақдим этишдан иборат. Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлсада, Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди. Агар аудиторга нотўғри маълумот бериш натижасида нотўғри аудиторлик хулоса берилса аудитор жавобгар ҳисобланмайди. Бузиб кўрсатишлар ва ноҳўя ҳаракатлар натижаси, агарда улар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса муҳим бўлиб ҳисобланади. Муҳимлик даражасини 5% миқдорида режалаштирилди. Хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса муҳим деб ҳисобланади.

Аудиторлик хулосасига илова.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритилиб, қуйидагилар бажарилади:

- Атайлаб ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқиладиган ва бажариладиган, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини олинади. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкинлиги;
- Корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқиладиган;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳоланади;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга

мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилинади. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган хулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратилади. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади.

МЧЖ «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti
директори

Аудитор:

(Аудитор сертификати № 05302
02.05.2015 йилда берилган).

29 май 2025 й



М.Гулбоев

М.Шарипов

Аудиторлик текируви ўтказилган хўжалик субъекти тўғрисидаги маълумотлар:

Номи: «JIZZAX PLASTMASSA» акциядорлик жамияти

Х/Р: 2020 8000 6003 0446 3001, АТБ «Агро банк» Жиззах ҳудудий филиали, МФО 00126, ИНН 200344745.

Манзили: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Тошкент кўчаси 5-уйда

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар:

Номи: МЧЖ шаклидаги «MASLAXATAUDIT-M» аудиторлик ташкилоти

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 14.06.2021 йилда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича руйхатга олинган.

Х/Р: 2020 8000 4041 3625 8001, АТИБ «Ипотека банк» Жиззах вилояти филиали, МФО 00122, ИНН 203679800.

Манзили: 130100, Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар-5.